



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 15 сентябр, шанба № 147 (1161)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

14 сентябр куни Жиззахда II чақириқ Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Жиззах вилоятидан Олий Мажлисга сайланган депутатлар, шахарлар ва туманлар ҳокимлари иштирок этди.



Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Жиззах вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш қувватлари, табиий бойликлари билан ҳам мамлакатимиз халқ ҳўжалигида алоҳида ўрин эгаллайди. Энг муҳими, унинг ўзига хос қиёфасини, мавқе-эътиборини мана шу саховатли заминда яшайдиган заҳматкаш инсонлар, уларнинг ақл-заковати, фидойилиги, эл-юрт ишига садоқати белгилайди.

Жиззах эли ўзининг олижаноб хусусиятларини намойён этиб, доимо озодлик ва эркинликка интилиб келган ориятли, гурури балинд халқ. Бу қадим заминда қанча-қанча фан ва маданият намояндalари, атоқли адиб ва шоирлар, ишлаб чиқариш илгорлари етишиб чиққан.

Айниқса, мамлакатимиз тарихида ўнмас ном қолдирган буюк инсон Шароф Рашидовнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиёда машҳур шахс бўлганини, унинг хизматларини халқимиз ҳеч қачон унутмайди, деб таъкидлади Президент.

У ўз нутқида Жиззах воқисидан юз бераётган ҳавас қилса арзиғулик ўзгаришлар билан бирга хал қилиниши лозим бўлган масалаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Кейинги йилларда ви-

лоятда мавжуд бўлган улкан имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилдириш, Жиззах вилоятининг обрў-эътиборини ошириш борасида анчагина ижобий натижалар қўлга киритилди.

Саноат, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши, чакана товар айланмаси, аҳолига пулли ва маиший хизмат кўрсатиш даражасининг ошгани, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланаётгани, иқтисодиётдаги етакчи тармоқ ва соҳаларнинг мутаносиб ҳолда ривожланаётгани ана шундай ўзгаришлар самарасидир.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар мўлжалдаги нисбатан қарийб 3 миллиард сўмга кўпайгани, пул эмиссияси белгиланганидан анча паст бўлиб, икки йил мобайнида 15 фо-

изга камайганини ҳам олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг амалий натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Кейинги йилларда вилоятда саноатнинг изчил тараққиёти учун пухта замин яратилмоқда. Бугунги кунда бу ерда ўнлаб йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда чет эл сармояларини жалб этиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилди. — деди Ислам Каримов. — Хусусан, 2001 йилнинг олти ойи мобайнида вилоят иқтисодиётига 11 миллиард сўм микдоридagi хорижий сармоя киритилди. Бу кўрсаткич ўтган йилда 1 миллиард сўмни ташкил этганини ҳисобга оладиган бўлса, бу борада ўсиш кўзга ташланаётгани аён бўлади.

Чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда барпо этилаётган «Ўзэксайд», «Жиззах ЛРС Пласт» каби қўшма корхоналар ишга тушган, вилоятнинг республикамиз

иқтисодиётидаги ҳиссаси янада ортиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар сиёсати Жиззах вилоятида ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми вилоят бўйича икки баробарга кўпайиб, 21 миллиард сўмга етгани юзга яққол далил бўла олади.

Истиқлол йилларида юртимизда бошланган «Биздан озод ва обод Ватан қолд» деган ҳаракат бугун ўзининг ижобий самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради, дея фикрини давом эттирди Юртбошини. Бундай бунёдкорлик ишларини Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги вақтда бу ерда барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 56 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилиб, бир миллион квадрат метрдан зиёд

уй-жой, 45 та қишлоқ врачлик пункти, 24 та мактаб, 13 та замонавий касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди.

Ўрта Осиёда ягона бўлган спорт мажмуаси — Олимпия захиралари коллежининг барпо этилиши, марказий стадионнинг тўла таъмирдан чиқарилиши, янги қурилган «Маънавият ва маърифат» маркази, Истиқлол боғи, маҳалла гузарлари, замонавий коллеж ва лицейлар, сузми ҳавзалари, теннис кортлари каби янги-янги иншоотлар бугунги кунда Жиззах шаҳри қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Айниқса, юзлаб ўғил-қизларимиз ўзларининг спорт маҳоратини намойиш этган биринчи «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг мана шу шаҳарда катта муваффақият билан ўтгани нафақат вилоят, балки мамлакатимиз спорти тарихида катта воқеа бўлди, деб таъкидлади Президент.

Вилоятда шаҳар ва қишлоқларнинг инфратузилмасини яхшилаш, шу орқали одамларнинг оғирини енгили қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш мақсадида қарийб 750 километр газ ва 405 километр ичимлик сув узатиш тармоқлари ишга туширилди.

Вилоятда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, кўзга ташланаётган муҳим бир масалага эътиборни жалб қилиш лозим, деб ўйлайман, деди Ислам Каримов. Кейинги йиллар давомида шу юртда яшайдиган одамларнинг онгу тафаккурида ижобий ўзгариш-

(Давоми 2-бетда).

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Бадий академия билан ҳамкорликда ташкил этган «Конституция - бахтимиз пойдевори» кўрик-танлово кизгин давом этмоқда.

«КОНСТИТУЦИЯ - БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ»

Истиқлолнинг ўн йиллигига бағишланган мазкур танловда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлири талабалари билан бир қаторда, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари фаол қатнашмоқда. Бош Қомусимизнинг мамлакатимиз фуқаролари ҳаётидаги аҳамиятини акс эттириш ва ўрганишга йўналтирилган мазкур танловга минглаб ёшлар ўзлари ишлаган плакат, фотосурат ва расмларини тақдим этмоқда. Тадбир доирасида жойларда уюшма томонидан Конституцияимизнинг аҳамиятини кенг тарғиб ва ташвиқ этувчи ранг-баранг плакат ва суратлар кўргазмалари уюштирилмоқда.

Танлов ғолиблари 8 декабр — Конституция кўни арафасида эълон қилинади.

(ЎЗА).

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ, БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Қадри андижонликлар! Аввало, барчангизни эришган улкан меҳнат галабангиз - давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизлар 305 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, фидокорона меҳнатингиз ва тadbиркорлик фазилятларингиз билан қандай юксак марраларни эгаллашга қодир эканлигини яна бир қарра амалда исбот этдингиз.

Вилоят деҳқонларининг илк бор мана шундай қисқа, тасаввур қилиш қийин бўлган муддатда - сентябр ойининг биринчи ярмида давлат режасини шараф билан уддала, пахтачилигимиз тарихида янги саҳифа очгани барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди.

Бу ютуқнинг замирида ўз ерига меҳр қўйган, ўз ҳалол меҳнати самарасидан манфаатдор бўлган, олижаноб ва заҳматкаш Андижон элининг омилкорлиги, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида ортирган билим ва тажрибаси мужжсама эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

Айниқса, бу йил вилоят далаларида чигит юз фоиз плёнка остига экилиб, агротехник тадбирлар тез ва соз ўтказилгани, энг муҳими, август ойидаёқ теримга киришиб, пахта хомашёсининг юқори сифат билан териб олингани Андижон технологияси деб ном олган усулнинг афзаллигини яққол намойиш этади.

Мамлакатимиз пахтачилигини янги, юқори босқичга кўтарилган бу деҳқончилик мактабини ҳар қанча ўрганса, янгиликка интилиб яшайдиган, гурури балинд сиз андижонлик пахтакорлардан ҳар қанча ибрат олса арзийди.

Сизларнинг давлатга яна қўшимча тарзда 50 минг тонна пахта сотишга қарор қилганингиз барчамизни қувонтиради. Азиз дўстлар! Гўзал Андижоннинг шухратига шухрат қўшаётган, ишнинг кўзини биладиган, ташаббускор ва ишланувчан деҳқонларни, теримчи ва механизаторларни, барча қишлоқ ҳўжалик ходимларини, бутун Андижон халқини бағримга босиб, қўлга киритган ажийиб меҳнат галабангиз билан яна бир бор қутлайман.

Бу ютуқ, бу зафар ҳар бирингизнинг рўзгорингизга, бутун юртимизга қут-баракат, тўқинлик ва фаровонлик бахш этсин.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик тилайман.

Заҳматкаш қўлларингиз асло дард кўрмасин, азиз бошингиз ҳамиша омон бўлсин, қадрдонларим!

Ислам КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

АҚШ ЭЛЧИСИНИНГ МИННАТДОРЛИГИ

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси Жон Хёрбст АҚШда юз берган фожиа муносабати билан Ўзбекистондаги маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

Элчи ўз баёнотида америкаликларнинг дардига шерик бўлаётган Ўзбекистон халқига ва Президент Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди.

«АҚШ элчихонасида Ўзбекистон ахлидан АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатидан азият чекканларга ҳамдардлик рамзи сифатида минглаб гулдасталар ва кўнгил изхорлари битил-

ган номалар тўхтовсиз келиб турибди. Бу кўрсатилган маънавий мадданинг аҳамияти беқиёсдир», деди жумладан Ж.Хёрбст.

Шунингдек, у терроризм балосига қарши курашда дунё тараққийпарвар халқларининг ўзаро бирдамлиги зарур эканини ҳам айтиб ўтди.

Нью-Йорк ва Вашингтонда юз берган террорчилик ҳаракатлари қурбонлари хотираси учун 13 сентябр кўни АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасида ҳамдардлик китоби очилди. Унга мамлакатимиз ахли, хорижий меҳмонлар ўз кўнгил изхорларини ёзиб қолдиришди.

(ЎЗА).

АҚШДАГИ ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ Тўғрисидаги ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

2001 йил 11 сентябр кўни Нью-Йорк ва Вашингтонда рўй берган фожеали воқеаларни мамлакатимиз фуқаролари қандай қабул қилди, террорчилик ҳаракатлари туфайли ўзбекистонликлар нимани ҳис қилди? «Ижтимоий фикр» маркази томонидан мазкур воқеалардан сўнг республика аҳолиси ўртасида ўтказилган тезкор сўров натижалари бу саволларга жавоб беради.

Тезкор сўров турли миллат, диний эътиқод қарши курашда АҚШ ва одамлари, турли ёшдаги ва ижтимоий ҳолатдаги қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасида ўтказилди.

«АҚШда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабар сизга қандай таъсир қилди, сиз нимани ҳис этдингиз?» деган саволга аҳолининг аксарияти (95,5 фоиз) «ғазаб ва нафрат», «ҳамдардлик ва афсус» деб жавоб берди. Сўралганлар орасида рўй берган фожеага бефарқ одамлар йўқ эди.

Жамоатчилик фикрини ўрганишдан маълум бўлишича, фуқароларимиз (деярли 100 фоиз) республика раҳбарияти ва Президент Ислам Каримовнинг халқаро террорчиликка қарши қу-

раш, XXI аср вабосига қарши курашда АҚШ ва бошқа мамлакатлар билан узвий ҳамкорлик борасидаги ташаббуслари ва кўраётган чора-тадбирларини қўллаб-қувватлайди.

Сўровда Ўзбекистон фуқаролари Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Экстремизм ва террорчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни тўлиқ қўллаб-қувватлаши акс этди. 97,4 фоиз сўралганлар мамлакатимизда бундай қонун зарурлигини ва унинг қабул қилиниши долзарб ва ўз вақтидаги чора бўлганини айтди.

Республика раҳбарияти экстремизм ва террорчилик, давлатга қарши фаолиятга қарши самарали кураш борасида қатор таъсирчан ҳар томонлама чора-тадбирларни амалга

(ЎЗА).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига ўн йил тўлган кунда Португалия халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига самимий қутловлар йўлламоқчиман. Мана шу ўн йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасида самимий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари қарор топди. Ишончим комилки, келгусида икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш учун янги имкониятлар пайдо бўлади ва келгуси йил ЕХТда Португалия раислик қилиши доирасида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида бизнинг биргаликда ишлашимизга, шунингдек халқларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаб боришга имкониятимиз бўлади.

Сиз Жаноби Олийларига шахсий омиллик ҳамда Сизнинг халқингизга тобора раванг ва тараққиётни тилаб билдирган самимий истақларини йўллар эканман, Президент Жаноблари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Жорже САМПАЙО, Португалия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги кўни нишонланиши

муносабати билан Қувват халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига шахсий сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар халқингизга давомий тараққиёт ва фаровонлик тилаб, самимий истақларини йўллаш менга мамнуният бахш этди.

Жобир ал-Аҳмад ас-САБОҲ, Қувват Давлати Амири

ҚАРДОШ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Оллоҳ Сизни ўз паноҳида сақласин.

Қалбларимиз учун азиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига республикангизга ташрифларимиз чоғида шохиди бўлган улкан ўзгаришлар ва ривожлантиришлардан ўз ҳайратларимизни изҳор этмоқчиман.

Саховатли халқингиз ва мамлакатингиз учун амалга ошираётган барча хайрли ишларингизда Оллоҳ Сизни ҳамиша қўллаб-қувватласин ва доимо ҳақиқат, эзгулик ва тинчлик жарчиси бўлиб қолинг.

Биродарингиз Мухаммад бин Халифа Ол МАҚТУМ, Дубай Амирлиги Ер ва қўчмас мулк департаменти раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

У.Я.Яманкуловни Жиззах вилоятининг ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ: Убайдулла Яхшибоевич Яманкулов Жиззах вилоятининг ҳоқими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2001 йил 14 сентябр

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Олтин-Дери» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси фаолият бошлаганига бир йил тўлди. У ташкил этилган, қишлоқда 150 киши иш билан таъминланди. Қўшма корхонанинг ёш ишчилари қисқа муддатда янги мутахассисликларни ўзлаштириб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўрганди. Маҳсулотнинг бир қисми экспорт қилинмоқда.

«Олтин-Дери» тамғаси босилган қулай куртқалар, бежирим плаш ва матоларга истеъмолчиларда талаб катта. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтириш учун аёллар ва ҳўжалик сумкалари тайёрлаш йўлга қўйилган.

(ЎЗА).

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Боши 1-бетда).

лар юз бергани, уларнинг меҳнатга, ерга, мулкка, умуман ҳаётга бўлган муносабати ўзгариб, ўз кучи, ўз салоҳиятига ишончи ортиб бораётгани биз эришаётган ютуқларнинг омили бўлмоқда.

Юртбошимиз ўз нутқида вилоятнинг қишлоқ ҳўжалиги ривож билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда қишлоқ ҳўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ислохотларни чуқурлаштириш борасида бирмунча ишлар қилинаётганини кўриш мумкин.

Кейинги йилларда вилоятда умумий маҳсулот ҳажмининг ўсишига эришилгани, хусусан, стратегик хомашё - пахта ва галла етиштириш ҳажми қарийб 30 фоизга ошгани диққатга сазовордир.

Лекин, афсуски, қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда бу соҳада қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Жиззах вилоятида бу борада ўз ечимини кутиб турган бир қанча масалалар бор, деди Президент сўзида давом этиб. Вилоятда қишлоқ ҳўжалик эканлари учун ажратилган майдонларнинг ер ва иқлим шароитини инобатга олиб, эртапишар, серҳосил, янги, истиқболли гўза ва галла навларини танлаш, ана шундай хусусиятларга эга бўлган уруғликни тезроқ кўпайтириш масаласига кўпроқ эътибор бериш зарур.

Бу соҳада олдимизда турган барча муаммоларнинг ечимини негизда ериши деҳқонга ижарага бериш, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш мумкин эканини биз ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Чунки ўзига қонуний равишда ажратиб берилган ерда ишлаб, ўзининг ҳалол меҳнатига қараб ҳақ оладиган деҳқон унга бор меҳрини беради, даласини шўрга ҳам, бегона ўтга ҳам бостириб қўймайди.

Афсуски, баъзи раҳбарлар бу масалага юзаси қараб, ҳўжалик юриштирининг замонавий шакли бўлган ширкат, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини ривожига кенг йўл очиб бермаяпти.

Хўлбуки, вилоятнинг Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманларида ҳар гектар пахта майдонидан 35-40 центнердан, ҳар гектар галлазордан эса 45-50 центнердан ҳосил олаётган ҳўжаликлар мулкчиликнинг бундай шакли нечоғли афзал эканини амалда намойиш этмоқда.

Мана, битта мисол: Дўстлик туманидаги Омонбой Абдуллаев бошчилик қилаётган «Машъал» фермер ҳўжалиги ўтган йили ҳар гектар майдондан 46 центнер пахта, 51 центнердан галла ҳосили олди. Туман бўйича эса пахтадан ўртача 18 центнердан, галладан эса 33 центнердан ҳосил етиштирилган, ҳолос.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин мана шу далилнинг ўзиёқ ишни янгилаш ташкил этиш, иш юриштирининг замонавий, илгор шаклларига кенг йўл очиб деҳқонларга ерга эгаллик ҳиссини уйғотиши, ердан тўғри ва самарали фойдаланишга ҳизмат қилишининг амалий исботи эмасми?

Эскидан, ота-боболаримиздан қолган бир нақл борки, у ҳақда бугун гапирмас бўлмайди, - деди Ислоҳ Каримов. - «Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқад» деган ҳикмат барчамизга маълум.

Бугун қишлоқ ҳўжалик соҳаси тақдирини ҳал қилувчи масалалардан энг муҳими - бу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласидир.

Вилоятда жами 300 минг гектар сугориладиган ер майдони бор. Вилоятнинг қишлоқ ҳўжалик эҳтиёжлари учун ажратилган сув миқдори етишмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Жорий йилда вужудга келган курғоқчилик туфайли сувга эҳтиёж баъзи туманларда бор-йўғи 70-80 фоизга қопланди.

Бу вазиятнинг энгиллаштириш мақсадида Жиззахдаги 3-магистраль канали реконструкция қилиниб, унинг сув ўтказиш имконияти оширилди ва Жиззах сув омборига қўшимча сув тўплаш мумкин бўлди. Бу 2002 йилда 30 минг гектардан ортиқ ернинг сув таъминотини яхшилаш имконини беради. Ҳукумат қарори билан Арнасойда сув омбори қурилиши олиб борилмоқда. Бу йирик сув ҳавзаси умумий майдони 40 минг гектарни ташкил этадиган Мирзачўл, Арнасой

ва Фориш туманларидаги экин майдонларини сугориши яхшилашга ҳизмат қилади. Вилоят қишлоқ ҳўжалигида сув таъминоти яхшилаш учун 213 километрик Зомин сув омбори ҳавзаси ва Зарафшон дарёсидан тортиладиган сув ўтказиш тармоғи қурилиши жадаллаштириш даркор.

Лекин амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан бир қаторда вилоятда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, сув сарфини назорат қилиш масаласига жиддий эътибор бериш лозим.

Қишлоқ ҳўжалигида янгилаш ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтириш, ҳақида сўз юришиб, Юртбошимиз бу муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, жумладан, тузилмаётган шартномалар ва уларга риоя қилиш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Кўп ҳолларда ширкат ҳўжаликлари билан оилавий пудратчилар ўртасида тузилаётган шартномаларда томонларнинг мажбуриятлари, уларни бажариш учун жавобгарлик масаласига

Деҳқон ва фермер ҳўжаликларига кредит ажратиш, уларни уруғлик, техника, ёқилғи, ўғит билан таъминлаш, турли идора ва ташкилотларда сарсон бўлишига йўл қўймаслик, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Қишлоқ ҳўжалик соҳасида бугун мавжуд бўлган аҳволни баҳолаётганда, бир нарсага ишончим қолмайди. Жиззах деҳқонлари ҳеч қандам кам бўлмасдан бу йилги мавсумда ўзини назорат қилиш масаласига жиддий эътибор бериш лозим.

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда Жиззах вилоятида 9 минг 500 га яқин кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Шуниси эътиборлики, бу ерда ҳар минг нафар меҳнат қилиш лаёқатли кишига 16 та кичик ва ўрта бизнес субъекти тўғри келади. Бу мамлакат бўйича ўртача

содий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлган масалалар. Одамлар, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш, янги иш ўрин-



ларини барпо этиш, ҳамма жойда бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам доимий диққатимиз марказида бўлиши лозим.

Вилоят аҳолисининг 70 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини йилга 10 минг кишига ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларини яратиш, уларнинг таркибий тузилиши ва туманлар бўйича жойлашуви билан боғлиқ ишларни ҳаёт талаблари асосида ташкил этишни тақозо қилади.

Бу оғир муаммонинг ечимини, энг аввало, одамларнинг, биринчи галда, ёшларнинг ғайрат-шижоатини деҳқон ва фермер ҳўжаликларига, кичик ва ўрта бизнес соҳасига, ҳизмат кўрсатиш тармоқларига сафарбар этишда эканини бугун замоннинг ўзи исботламоқда, деди Ислоҳ Каримов сўзини давом эттириб.

Вилоятда қишлоқ ҳўжалик соҳасида ёш кадрлар билан ишлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Буни соҳада ҳизмат қилаётган 30 ёшгача бўлган раҳбар ходимлар фақатгина 20-25 фоизни ташкил этишидан ҳам билса бўлади.

Жиззах воҳасида замон талабларини пухта ўзлаштирган, эл-юртига садоқатли, халқ дарди билан яшайдиган ташаббускор ёшлар кўп. Ана шундай ватанпарвар, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёшларнинг йўлини очиб бериш, уларга масъулият лавозимларини ишониб топшириш керак.

Сўнгги йилларда Жиззах вилоятида янги мактаблар, лицей-коллежлар, маданият масканлари, спорт иншоотлари барпо этилмоқда, аҳолининг соғ-

лигини сақлаш, турли хил юкмули касалликларнинг олдини олиш, қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш борасида ҳам

лаштириш, судларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш орқали жамиятда адолат устуворлигига эришиш борасида яна бир муҳим қадам қўйилди.

Эндиги асосий вазифа - ана шу қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни изчиллик билан, оғишмай ҳаётга татбиқ этишдан иборат, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиёти, унинг дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан кадрлар масаласига боғлиқ.

Ҳар қайси вилоят ёки туман, шаҳар-қишлоқнинг ўзига хос қиёфасини, маъқе-эътиборини ана шу жойда яшайдиган меҳнатқаш, омилкор, фидойи инсонлар белгилайди. Шунини мамнуният билан айтиш керакки, Жиззах вилоятида бундай одамлар кўплаб топилади.

Президент Ислоҳ Каримов ана шундай юртдошларимиз қаторида: Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номи жамоа ҳўжалиги пахтачилик бригадасининг бошчилиги Парда Зиётов, Дўстлик туманидаги «Оқ олтин» ширкат ҳўжалиги раҳбари Тожибой Бозорбоев, Жиззах туманидаги Ҳамид Олимжон номи жамоа ҳўжалигидан Абдунаби Абдурахмонов, Зарбдор туманидаги «Анджон» ширкат ҳўжалигидан Усканбой Азимов, Зарбдор туманидаги Собир Раҳимов номи ширкат етакчиси Саидолим Бўлтақов, Зомин туманидаги «Мустақиллик» фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси Мухтор Эгизов, Мирзачўл туманидаги «Пахтазор» фермерлар уюшмаси бошлиғи Ҳайдар Абдурахмонов, Дўстлик туманидан фермер Эсон Иноминонов, Арнасой туманидан фермер Эштуроп Абдусатторов, Бахмал туманидаги «Деҳқонобод» ширкат-ҳўжалиги бошлиғи Рустамқул Норқулнов каби аjoyиб инсонларнинг номларини хурмат билан тилга олиб ўтди.

Ислоҳ Каримов кадрларни тўғри танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, замон талаблари руҳида тарбиялаш борасида Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, бу соҳада масъулият ва талабчанликни кучайтириш

лозимлигини яна бир бор таъкидлади.

Сессия кун тартибидagi асосий масала ҳақида гапирар экан, Президент, жумладан, шундай деди: Жиззах вилоятининг ҳокими бўлиб ишлаб келган Шавкат Мирзиёев кунча Самарқанд вилоятига биринчи раҳбар этиб сайланди. У Жиззах вилоятига беш йил раҳбарлик қилди. Шу йиллар давомида Жиззах воҳасида қанча ижобий ишлар амалга оширилган бўлса, ҳолисона баҳо берганда, шунини тан олишимиз керакки, уларда бу одамнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Жиззах аҳли билан тил топишиб, баҳамжиҳат бўлиб, одамларнинг бошини қовуштириб, катта-катта режаларни амалга оширишда ташаббускор, бош-қош бўлди. Шу мўътабар заминни обод қилиш, Жиззахнинг обрўсини ошириш йўлида ҳизмат қилди, кўпгина синовларни, қийинчиликларни энгиб ўтиш жараёнида тобланиди, тажриба орттирди.

Ҳеч шубҳасиз, вилоят раҳбарининг мана шундай ишлар билан ўзини кўрсатишида, таъбир жоиз бўлса, уни тарбиялашда, вилоятнинг кўзга кўринарли натижаларга эришишида Жиззах жамоатчилиги, вилоят аҳлининг, мана шу залда ўтирганларнинг ҳиссаси катта бўлганини мен яхши тушунаман ва бунинг учун барчангизга ўзимнинг миннатдорлигини изхор этман, деди мамлакатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Президентини Ислоҳ Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Убайдулла Яманқулновни вилоят ҳокими этиб тасдиқлади.

Сессияда Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги Х.Носиров номи жамоа ҳўжалиги ижарачиси П.Зиётов, Мирзачўл ва Жиззах туманлари ҳокимлари - М.Аноров ва К.Қобилов, «Жиззах ЛРС Пласт» қўша корхонаси директори А.Зиёев ва бошқалар сўзга чиқди.

(ЎЗА).

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

Балиқчи туманидаги «Намуна» ширкат ҳўжалиги маъмурияти, касабаси уюшма қўмитаси жорий йилда пахта йиғим-теримини зўр ушқоқлик билан ўтказиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган. Унга кўра далаларда ишлаётганларга қўлай шароитлар яратилиб, илгор теримчилар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда. Дала шийпонлари деҳқоннинг чинакам ором, гоҳига айланган. Дам олиш соатлари мазмунли ўтмоқда. Санъаткорлар, шифокорлар оқ олтин ижодкорлари ҳизматида.

Моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги, ҳосилнинг мўллиги суръат ва сифатнинг юқори бўлишида муҳим рол ўйнади. Таъкидлашларича, «Намуна» ширкат ҳўжалиги билан «Чинобод» ҳўжалиги ўртасида яхши алоқа ўрнатилган. Миришкорлар бир-бирларидан ўрганиб, ҳам ўргатиб ҳосилдорликни йил сайин оширишга эришиб келмоқдалар. Давлатга топширилган оқ олтин ҳосилининг деярли ҳаммаси юқори навларга



ўтказилди. Равшаник, барча андижонлик заршунолар қатори балиқчилик уста деҳқонлар ҳам плёнқа остида пахта етиштириш ҳадисини олишган. Бу муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда. Изланиш, ҳамжиҳат-

лик, ташаббускорлик ўзининг қутилган натижасини берди. «Намуна» ҳўжалиги аъзолари давлатга пахта топшириш шартномавий режасини республикада биринчилар қаторида ўринлади. Ҳосилдорлик гекта-

рига 32 центнерни ташкил этди. Улар ўз имкониятларини чамалаб қуриб, мазкур кўрсаткичнинг 45 центнерга етказишга аҳд қилишди.

Т.ШЕРНАЕВ, О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбирлари.

Суратда: «Намуна» ширкат ҳўжалиги раҳбари Аҳмаджон Ҳожиёв голиб пахтакорларнинг меҳнат муваффақияти билан қўлламоқда. Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

16 сентябр - Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни

ОЗОН - БУ ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиати муҳофаза қилиш қўмитасида ўтказилган матбуот анжумани шундай раъзий маънога эга бўлди. Унда экология бўйича мутахассислар, олимлар, дипломатик корпус ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманида йирилганлар таъкидлаганидек, озон қатламининг ҳолати ташвишланарлидир. Республикада озон қатлами емирилишига сабаб бўла-

диган қимёвий моддалар ва препаратларни қўллашга алоқадор халқаро битимларни амалга оширишда бевоқифа иштирок этмоқда. Бу айниқса, саноат ишлаб чиқариши ва ҳўжалик техникасидан, хусусан, фреон қўлланадиган музлатгич ва совутигичлардан фойдаланишга тааллуқли.

Монреал протоколига кўра, 16 сентябр халқаро

ҳамжиҳат томонидан озон қатламини асраш бўйича экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган тадбирларнинг раъзий равишда сарҳисоб қилиш куни, деб эълон қилинган. Келажак авлодларнинг тақдирини, кўп жиҳатдан, бу тадбирлар қанчалик самарали бўлаётганига боғлиқ.

(ЎЗА).

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР - ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ


Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ТАСИС-ТЕМПУС дастурининг «ЕВРАЗИЯ» Европа қўша лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро ёзги мактабда семинар-машғулотлари ниҳоясига етди.

Мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртидан бири ҳисобланган мазкур илм масканида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида ривожланган хорижий мамлакатлар таърибасини ўрганишга кенг эътибор қаратилмоқда. Олий таълимнинг иккинчи bosқичи - магистратура йўналишида ўқитишни янада такомиллаштириш, талабаларни ҳар томонла-

ма етук мутахассис этиб тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Айтиш жоизки, жорий йилдан бошлаб университетда иккита янги йўналиш - халқаро алоқалар ва ҳуқуқ соҳасида магистрлар тайёрлашга киришилди.

«ЕВРАЗИЯ» Европа қўша лойиҳасида университетнинг тарих, ҳуқуқшунослик, иқтисодий ва сиёсатшунослик факультетлари фаол иштирок этди. Семинар машғулотларида мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари билан бирга, Германия, Буюк Британия каби давлатлардан келган олимларнинг ҳам маърузалари тингланди.

(ЎЗА).



17 - 23 сентябр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ ДУШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телеомошанилар диққати! Профилактика муносабати билан Душанба, 17 сентябр кун...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 Кўрсатувлар дастури. 17.35 «Янги авлод» почтаси.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНЕСИ 15.55 Кўрсатувлар тартиби.

СЕШАНБА, 18 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Париларнинг кузги соғваси».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНЕСИ

ЧОРШАНБА, 19 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

5-қисм. 17.15 Навоий ҳақида ривоятлар. «Навоий ва шаҳзода Фароб Мирзо».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ



Зардўз қизлар. Б. ХАМРАҚУЛОВ олган сурат

9.35 Мультфильм. 9.45 Мусикий лаҳзалар. 9.55 «Давр»-интервью.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНЕСИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 8.55 «Ўзбектефилем» намойиши.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Харита». Халқаро шарҳ. 17.45 «Шеър ва шуур».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНЕСИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

кўрсатуви. 17.20 «Биз анони эмасмиз». 17.30 «Халқаро».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Харита». Халқаро шарҳ. 17.45 «Шеър ва шуур».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНЕСИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

22.05 ТВда сериал: «Селеста». 23.10 «Авто-News».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Харита». Халқаро шарҳ. 17.45 «Шеър ва шуур».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНЕСИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.35 «Бизнес-ревью». 20.40 «Авто-холл».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Харита». Халқаро шарҳ. 17.45 «Шеър ва шуур».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНЕСИ


«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

Теннис бўйича «Президент кубоги» VIII анъанавий халқаро турнири кундалиги

САФИННИ Ё КАФЕЛЬНИКОВ?

«Юнусобод» кортларида давом этаётган «Президент кубоги» баҳсларида тобора кучлилар сараланиб бормоқда. Хусусан, асосий босқич баҳсларининг тўртинчи кунда барча чорак финалчилар аниқланди. АҚШ Очик чемпионатида иштирок этиб, Тошкентга бундан бор-йўғи икки кун аввал етиб келган турнирнинг биринчи ҳамда иккинчи рақамли теннисчилари — Марат Сафин ва Евгений Кафельниковлар дастлабки икки учрашуви ўз фойдаларига ҳал этдилар. Очигини айтганда, М.Сафин рақибларини қийинчиликсиз мағлуб этган бўлса, Е.Кафельников тўғрисида бундай фикр билдириш унчалик ҳам тўғри бўлмади. Гарчи рус теннисчиси иккала учрашувда ҳам зафар қўнган бўлсада, ғалабалар осонликча қўлга киритилмади. Айниқса, биринчи босқичда ҳамюртимиз Вадим Куценкони мағлуб этган Стефан Кубек Евгенийга яхшигина қаршилик кўрсатди. Баҳсларнинг уч сет давом этганлиги буни исботлаб турибди: 4/6, 6/4, 6/3.



Авалги шарҳларимизда таъкидлаб ўтганимиздек, юртимизнинг энг кучли ракетка устаси О.Огородов биринчи учрашувда ўтган йилги турнир финалчиси Д.Сангуинитте (Италия)ни доғда қолдириб, шов-шув қўтарганди. Афросиби, кейинги босқичда ҳамюртимиз даниялик К.Плесс билан баҳс юритиб, иккала сетда ҳам бир хил — 6/3, 6/3 ҳисобидаги мағлубиятни тан олишга мажбур бўлди.

Шунингдек, иккинчи босқичнинг қолган учрашуваридида муҳлислар қўйидаги натижалар гувоҳига айланишди: Ш.Шалъен (Нидерландия) ва Э.Дюпуа (Франция) — 6/4, 6/0, П.Шричахан (Таиланд) ва Т.Дент (АҚШ) — 6/4, 6/2, Д.Хрбаты (Словакия) ва Я.Крослак (Словакия) — 7/5, 6/1, Р.Шуттлер (Германия) ва Д.Вацек (Чехия) — 6/4, 6/1. Мусобақалар давом этмоқда.

К.ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Эй фарзанд, ўзингни мол жам қилишдан гофил тутмагил, аммо ҳалоллик билан мол тўплашга ҳаракат қил. Мол учун ўзингни хавф-хатарга қўйма.

Мол доимо туради қадр-қиммат қилинма-деб, унга кўнгиладан қилинмаган, тадбирсиз ишлатилган кўп молдан яхшироқдир. Агар мол оҳ-линг йўқ бўлиб қолса дилтанг бўлмагилсан. Агар молнинг кўп бўлса, кимки азгина молни сақлай олмаса, кўпни ҳам сақлай олмайди. Бор молнинг қаноат қил, қаноат битмас-туганмас давлатдир ва

Ҳикматлар

МОЛ ТЎПЛАШ ҲАҚИДА

сен қандай аҳволда бўлсанг ҳам, ризқ-рўзинга етишсан. Ширин сўз ёки халқнинг шафоати билан яхши бир иш сенинг кўлингга кирса, уни тезда йўқотиб юбормагил, чунки молсиз одамнинг қадр-қиммати бўлмайди. Аммо ҳалойиқ, бойнинг ҳеч қандай фойдаси тегма-

са ҳам, уни дўст кўрадилар ва ҳеч зарари тегмасам ҳам, (бой) камбағалларни душман тутади. Халққа қашшоқликдан ёмон ҳол йўқдир... Молингни муносиб одамларга бергил. Ўзгаларнинг молидан тамаъ қилмагил, шунда сен барча халойиқдан

яхшироғи ва азияроғи бўласан. Молингни ўзгаларнинг моли деб билгил, ўзгаларнинг молини ўз молингдан зиёдароқ билгил, токи омонатга хиёнат қилмаслик, тўғрилик билан халққа машхур бўлгилсан.

(«ҚОБУСНОМА»ДАН).

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Хотира уйғонса гўзалдир

Ишда чарчаган эканманми, хатто тамадди қилишга ҳол бўлмай, ёстиққа ёнбошладим. Энди кўзим илинган эди, бирдан телевизорда таниш оҳанг янгради. Сўнг куйга қўшиқ уланди. Раҳматли Мухаммад-жон Каримов «Муножот»ни шундай куйлар эдики, беихтиёр кўзларимга ёш келиб, устоз ҳофиз тўғрисидаги айрим хотиралар ҳаёлимда жонланди.

Эсимда, қишнинг совуқ кунда Мухаммад-жон ака торини тўнининг этагига ўраб, тўйхонага кириб келиб, ҳофиз айтган гандилар. Мумтоз ашула куйи бошланиши ҳамон говур-говур бўлиб турган тўйхона бирдан сув қуйгандек жимиб қолган, гўё бу-

АЖОЙИБ ФАЗИЛАТ СОҲИБИ

Истиклол туфайлигина Мухаммад-жон Каримов санъати юксак қадр топди. Дастлаб, ҳофиз айтган ашулалар магнит тасмаларига ёзиб олиниб, радио ва кейинроқ телевидениега олиб чиқилди. Ҳофиз тўғрисида телефильм

Яқинда таниқли бас-такор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаев билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг айтишига қараганда, ўз труппаси билан дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида концертлар беришибди. Аксарият тараққий этган давлатлар: Германия, Италия, Англия, АҚШ, Франция, Белгия, Голландия ва бошқа давлатларда Шунинг учун кўпчилик тўй маросимларини Мухаммад-жон аканинг бўш вақтига қараб, белгилар эди.

У киши жуда ҳам оддий, камтар, оз сўзловчи инсон эдилар. Ўзбекистон мултикалиққа эришгунга қадар бирон орден, медалга тавсия этилмаган. Ахир, Мухаммад-жон ака Мулла Тўйчи Тошмухаммедовдек улуг санъаткорнинг шоғирди эди-я! Лекин узоқ йиллар мобайнида халққа сидқидилдан қилган хизмати, истеъдоди туфайли у эл наздида улкан санъаткор бўлиб қолаверди.

Кези келганда, муҳлис сифатида бир фикрни айтмоқчиман: Комилжон Отаниёзов, Муроджон Аҳмедов, Отажон Худойшукуров, Камолiddин Раҳимов, Нуриддин Ҳамроқулов, Марям Сатторов, Гулбаҳор Эрқуловнинг ажойиб кўшиқлари эфирда кўпроқ янграसा айни муддао бўларди.

М.НЕЪМАТОВ,
доцент.

Танишинг: турнир қатнашчилари

ДОМИНИК ХРБАТИ

1978 йил 4 январда Словакиянинг Братислава шаҳрида туғилган. Ҳозирда Монте-Карлода истиқомат қилади. Бўйи 183 см, вазни 75 кг. 1996 йилдан бошлаб профессионал фаолиятини бошлаган. Унг қўли билан ўйнайди.

Яккалик баҳсларида Сан-Марино (1998 йил), Прага (1999 йил), Окленд (2001 йил) турнирларининг голиби. 1997 йил - Палермо, 2000 йил - Монте-Карло, Санкт-Петербург ва Брайтон турнири сингари нуфузли мусобақалар финалчиси бўлган. Жуфтлик беллашуварларида эса бир бор бош мукофот соҳиби ҳамда беш маротаба финал иштирокчисига айланган. «Катта дубулга» туркумига кирувчи Ролан Гаррос кубогининг (1999 йил) ярим финалига чиққан. «Masters Series» турнирларида бир марта финал (Монте-Карло, 2000 йил), икки марта (Майами, 1999 йил, Рим, 2000 йил) чорак финалгача борган. Ўтган мавсумда муваффақият билан иштирок этган Д.Хрбаты салкам 2 миллион АҚШ долларини ишлаб олди.

Шуни эътироф этиш керакки, ёш словак теннисчиси россиялик ракетка усталари Марат Сафин ва Евгений Кафельниковлар учун анчайин ноқулай рақиб саналади. Кўрамиз, «Президент кубоги» баҳсларида илк бор иштирок этаётган Д.Хрбатыга тақдир яна рус теннисчиларини рўбару қилармикан?

МАРК РОССЕ

1970 йил 7 ноябрда Женева (Швейцария)да таваллуд топган. Ҳозир Монако қироллигининг Монте-Карло шаҳрида яшайди. Бўйи 201 см, вазни 87 кг. 1988 йил профессионал теннисчи макомини олган. Унг қўли билан ўйнайди.

Фаолияти давомида 403 марта голиб, 298 марта мағлуб сифатида кортларни тарқ этган. Жамғармаси 6 миллион 135 минг 419 доллар. АТП рейтингда яккалик баҳсларидаги энг юқори натижаси — 9 ўринга 1995 йилнинг 11 сентябрида эришган. Жуфтликдаги юқори кўрсаткичи 8 ўрин (1992 йил 2 ноябр).

Швейцариянинг биринчи рақамли теннисчиси мана тўққиз мавсумдирки, жаҳоннинг энг кучли қирқ нафар ракетка устаси сафиди. Шунингдек, унинг яккалик баҳсларидаги ютуқлари ҳавас қилса арзигулик. М.Россе 1989 йилдан ҳозирга қадар 15 та нуфузли мусобақа кубогини қўлга киритган. Улар орасида Женева, Лион, Москва, Марсел, Лондон, Санкт-Петербург, «Masters Series» туркумидаги Париж турнирлари ҳамда 1992 йилги Олимпиада баҳслари бор.

Ўтган мавсумда 583 минг 636 доллар ишлаган М.Россе Марсел, Лондон турнирларида шохсупага кўтарилди. Москва ва Окленд турнирларида эса ярим ҳамда чорак финалларга қадар етиб борди.



Беғубор болалик


Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат лавҳаси.

ФЁДОР АМАКИ 80 ЛИТР ҚОН ТОПШИРДИ

Денов шаҳрида яшайётган 64 ёшли Фёдор Нефедовни «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритса бўлади. Негаки, у 34 йилдан буён ўз ихтиёри билан қон топириб келади. Донорнинг шу пайтгача топширган қони 80 литрга етди. Шифокорлар ундан 206 марта қон олган. Топширилган соғлом қон юзлаб, эҳтимол, минглаб беморлар ҳаётини сақлаб қолди, дейиш мумкин.

— Агар қон топириб турмасам, ўзимни ноҳуш сезаман,— дейди Ф.Нефедов. Узоқ йиллар Деновдаги саноат корхоналарида ишлаб, айни пайтда кексалик гаптини сураётган Ф.Нефедовнинг 10 нафар фарзанди бор. Денов марказий шифохонаси бош ҳақими Фарида Ғозиеванинг айтишича, Ф.Нефедовнинг қони жуда асқотмоқда. Шу сабаб донор имкон қадар эъзозланмоқда.

(ЎЗА).



ЧАЙНКРОССВОРД

1. Йил фасли. 2. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони. 3. Асар, янгилик яратиш фаолияти. 4. Куч ўлчови бирлиги. 5. Пардоз ашёси. 6. Раҳбарлик лавозими. 7. Вақт ўлчови. 8. Автомобилимиз русуми. 9. Қитъа. 10. Рангдор маъдан, заргарлик ашёси. 11. Тўқимачилик ашёси. 12. Мусиқа асари тури. 13. Қисқа муддатли коинот ҳодисаси. 14. Қийматини шу заҳоти тўлаб амалга оширилладиган савдо. 15. Инглиз адиби, саргузашт асарлар муаллифи. 16. Англияда юқори табақа дворянлари авлодидан ўтиб келувчи унвон. 17. Экинзор маскан. 18. Йирткич. 19. «Ҳамса» достонидаги Мажнуннинг асл исми. 20. Серсоя, кўркам дарахт. 21. Сув йўли. 22. Ингичка узун баргли кўп йиллик ўт. 23. Украина ҳудуди тарихидаги ярим орол. 24. Урғани, малака ҳосил қилиш учун қилинадиган иш. 25. Фарғона вилояти тумани. 26. От-улов абзали тури. 27. Россия автомобили русуми. 28. Қозоқ мумтоз, мутафаккир шоири. 29. Буюк Британиядаги шаҳар. 30. МДХ таркибидаги республика пойтахти. 31. Қон томири. 32. Шубҳасиз, ишонarli ҳолат. 33. Мукамал лугат наشري. 34. Томонларнинг ўзаро тинчликка оид келишуви. 35. Дунё океанларидан бири. 36. Олам, борлик. 37. Ўрмончилик маҳсули. 38. Пойафзалчилик ашёси, кўн. 39. Уруғи зирavor сифатида ишлатиладиган жануб ўсимлиги. 40. Наманган вилоятидаги шаҳар. 41. Велосипед мусобақалари ўтказиладиган иншоот. 42. Идиш, рўзгор буюми. 43. Хўл мева. 44. Маълум соҳа фаолиятини ўрганиш мақсадида фавқулодда ўтказиладиган текшириш. 45. Транспорт воситаларини сақлаш ва таъмирлаш корхонаси. 46. Муқаддас даргоҳ. 47. Қадимда Европа мамлакатларида қўлланган ҳисоб тахтакачи. 48. Мўъжаз, кўркам иморат. 49. Маданий-маърифий муассаса. 50. Тантанали зиёфат маросими. 51. Юриш учун ёзилган мусиқа асари. 52. Темир йўлларга ётқизиладиган тўсин. 53. Бўёқ модда.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**

Олдиндан кўришнинг математик усули

Микдорий муносабатлар тўғри ҳисобланган бўлса, уларнинг ҳақиқатлиги амалда ҳам исботланади. Бундай ҳисоб-китоблар воситаси билан ҳали номаълум нарса ёки ҳодисанинг олдиндан айтиб берилгани тарихда кўп учраган. Нептун сайёраси ҳам мана шундай йўл билан кашф этилган. Гап шундаки, 1946 йилгача куёш тизимида фақат еттита сайёра

бор, охиригиси Уран деб ҳисобланар эди. Астрономлар Уран ҳаракатини кузатар эканлар, бу осмоний жисм ўз орбитасидан сал-пал четга чиқаётганини аниқладилар. Математик Леверье Уран ҳаракати тенгламаларини синчиклаб текшириб, номаълум бир осмоний жисм унинг ҳаракатига таъсир кўрсатаётганини аниқлади. Унинг ўша вақтда осмонда иш-

гол этган ўрнини, координатларини олдиндан айтиб берди. Астроном Галле осмоннинг Леверье кўрсатган томонида яшириниб ётган Нептун сайёрасини ўзи ясаган Телескоп ёрдамида кашф этди. Ана олдиндан кўришнинг математик усули! Бу усулдан ҳозир кенг фойдаланилмоқда.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ЁНУВЧИ ТОШ

Қорамтир кўмир энг ёш ҳисобланади. Ундан қари-роғи тошқўмир, энг қариси — антрацит саналади. Кўмирнинг ёшига ва қайси ўсимликдан вужудга келганига қараб сифати ҳам ҳар хил бўлади. Кўмир қанчалик «қари» бўлса, шунчалик яхши иссиқлик беради. Бундан 2000 йил муқаддам греклар биринчи марта «ёнувчи тош»ни (улар кўмирни шундай деб атар эдилар) топадилар. Орадан 100 йил ўтгач, кўмирдан ёқилги сифатидагина фойдаланилмай, ундан смола, газ ва мой олиш учун кимёвий хом ашё сифатида ҳам фойдаланилди. Ҳозирги кунда эса, кўмир 200 дан ортиқ ҳар хил нарса ва моддаларнинг манбаи ҳисобланади.

Энгил, меъёл саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабаси уюшмалари Тошкент шаҳар кўмитаси ҳамда шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси касабаси уюшма кўмиталари ҳамда тумани ободонлаштириш бошқармаси касабаси уюшма кўмитаси раиси **Эркин УСМОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 00.15

Махсус кўчаси: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотишда эркин ҳолда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.